



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

18 декабрь 1971 йил, шанба • № 292 (15.162). • Баҳос 2 тийин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилди:

1-модда. КПСС XXIV съездининг Директивалари асосида ишлаб чиқилиб Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим қилинган ва беш йиллик йиллари бўйича, министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР министрлар Совети, область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетлари бўйича тақ-

симлаган Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик плани маъқуллансин.

2-модда. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик планининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари тасдиқлансин:

Саноат маҳсулоти (территория бўйича)	1971 йил	1972 йил	1973 йил	1974 йил	1975 йил
Шу жумладан:					
Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари бўйича	107,7	117,5	125,9	136,8	151
Давлат капитал маблағлари	107	116	121,2	130,3	142
Умумий фойдаланадиган автомобиль транспортининг юк обороти	109,0	120,5	132,4	145,1	153,2
Саноатдаги меҳнат уюмдорлиги (республикага бўйсундиган хўжалик бўйича)	106,8	115,2	127,4	142,1	160,8
Саноат фаолиятини ташкиллаштиришда (республикага бўйсундиган саноат бўйича)	107,7	111,5	118,5	126,9	135,4
Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти	121	132	151	174	201
	106,7	115,3	126,6	138,7	152

1971—1975 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик ҳаёми бундан аввалги беш йилликка нисбатан 24 процент кўпайтирилиб, аҳолининг озиқ-овқат таъминоти ва саноатнинг хом ашёга тобора ортиб бораётган эҳтиёжлари янада тўлароқ қондирилиши таъминлансин. Беш йиллик мобайнида қолхозлар ва совхозларда меҳнат уюмдорлиги 32 процент оширилсин, маҳсулот таъминоти анча пасайтирилсин.

3-модда. КПСС XXIV съезди Директивалари ва саккизинчи қақриқ ССР Олий Советининг учинчи сессияси томонидан қабул

қилинган «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик плани тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқ ҳамда СССР ҳукуматининг тегишли қарорларида белгиланган тартиб ва муддатларда, Ўзбекистон ССР аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширилсин.

4-модда. 1971—1975 йилларда қуйидаги ларни қўпайтириш таъминлансин:

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш	1971 йил	1972 йил	1973 йил	1974 йил	1975 йил
Давлат бюджетидан таъминланадиган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сонин	113,9	134,5	158,3	186,9	220,3
Қуни узайтирилган мактаблар ва гуруҳлардаги ўқувчилар сонин	103,7	115,0	125,2	135,9	147,0
Олий ўқув юртиларига қабул қилинадиган ўқувчилар сонин	104,7	111,3	120,3	129,7	139,1
Ўрта махсус ўқув юртиларига қабул қилинадиган ўқувчилар сонин	100,1	102,8	104,5	106,9	108,1
Хўна-техника ўқув юртиларига қабул қилинадиган ўқувчилар сонин (қўшимча топшириқни ҳам ҳисоблаганда)	100,5	100,3	100,3	104,9	114,5
Касалхоналардаги ўринлар сонин	101,4	111,3	137,9	173,1	220,4
	102,6	105,0	107,7	110,9	114,1

1971—1975 йилларда ёшларнинг умумий ўрта таълими ўтиши тугаллансин. Беш йиллик мобайнида маблаг билан таъминланган ҳамда манбалари ҳисобига умумий майдон 13,9 миллион квадрат метр ҳажмида бўлган 1966—1970 йиллардаги 16 процент кўп ҳажмида уй-жойлар қурилисин (иттифоққа бўйсунувчи қорхоналар, қолхоз ва колхозчилар томонидан амалга ошириладиган қурилишлар бундан мустасно).

5-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига иттифоқ қарамоғидagi қорхоналар, қурилишлар ва таъшиқотлар бўйича қабул қилинган беш йиллик планлар ҳамда Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика ва республика

министрликлари ва идоралари бўйича қабул қилинган планлар асосида республика территориясидаги бутун хўжалик бўйича беш йиллик йўлга планининг асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда Қорақалпоғистон АССР, областьлар ва Тошкент шаҳри бўйича топшириқларни алоҳида тақсимлаб чиқиш вазифасини топширилсин.

6-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетларига қуйидаги вазифалар топширилсин:

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилди:

1-модда. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат планининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари тасдиқлансин:

Саноат маҳсулоти	1972 йилга нисбатан ўсиш (процент ҳисобида)
Давлат йўли билан капитал маблағ ажратилиши	6,6 процент
Умумий фойдаланадиган автомобиль транспортининг юк обороти	6,7 процент
Иш ҳақи фонди (республикага бўйсундиган хўжалик бўйича)	6,7 процент
Саноат фаолиятини ташкиллаштиришда (республикага бўйсундиган хўжалик бўйича)	8,4 процент
Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти	11,1 процент
7-модда. 1971 йилдаги нисбатан 1972 йилда қуйидагиларни қўпайтириш таъминлансин:	
Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш	17,4 процент
Давлат бюджетидан таъминланадиган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сонин	7 процент
Қуни узайтирилган мактаблар ва гуруҳлардаги ўқувчилар сонин	3,4 процент
Олий ўқув юртиларига қабул қилинадиган ўқувчилар сонин	2,3 процент
Профессионал-техника ўқув юртиларига қабул қилинадиган ўқувчилар сонин (қўшимча топшириқни ҳам ҳисоблаганда)	9,8 процент

Касалхоналардаги ўринлар 2,4 процент кўпайтирилиши таъминлансин. 1972 йилда маблаг билан таъминланган ҳамда манбалари ҳисобига умумий майдон 2,8 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жойлар қурилисин (иттифоқ қарамоғидagi қорхоналар, қолхоз ва колхозчилар томонидан амалга ошириладиган қурилишлар бундан мустасно).

4-модда. КПСС XXIV съезди Директивалари ва саккизинчи қақриқ ССР Олий Советининг учинчи сессияси томонидан «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик плани тўғрисида» ва «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани тўғрисида» қабул қилинган СССР Қонунига ҳамда «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик плани тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ ҳамда СССР ҳукуматининг тегишли қарорларида белгиланган тартиб ва муддатларда, Ўзбекистон ССР аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтириш юзасидан 1972 йилда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширилсин.

5-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари ҳулосасида баён қилинган тақлиф ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар томонидан киритилган тақлифлар ва айтилган мулоҳазаларни қараб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛТОВА.

1971 йил, 17 декабрь.
Тошкент шаҳри.

А) СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди қабул қилган Директиваларга ҳамда ушбу қонунга амал қилиб, ҳар бир қорхона, таъшиқотнинг беш йиллик планларини тузиб чиқиш таъминлансин.

Б) беш йиллик планини амалга ошириш жараёнида ҳамма қорхоналар ва таъшиқотларнинг план топшириқларини бажариш таъминлансин, уларнинг хўжалик фаолиятини анализ қилиш, иқтисодий ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш резервларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатларини қисқартириш, ишлаб чиқаришнинг интенсификациясини кучайтириш ва шу асосда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ишлари кучайтириб юборилсин.

В) халқ хўжалигининг ҳамма звеноларида давлат иттиозининг ҳар томонлама мустақимлаш, хўжалик мустақиллигида социалистик қонунчиликка қаттиқ риоя қилиш таъминлансин, планлар ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши учун, маҳсулот сифати учун, маблаглар ва моддий ресурсларни тежаб-тежаб ва оқилона ишлатиш учун, ускуналар ва хом ашёдан тўғри фойдаланиш учун, кооперация усулида тайёрланадиган ҳамма маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бериш учун, технология интизомига риоя қилиш учун ҳар бир хўжалик раҳбарининг масъулияти оширилсин.

Г) ўз қарамоғидagi қорхоналар ва таъшиқотларнинг беш йиллик планларини қандай бақаратилганлиги устидан қаттиқ контроль ўрнатилсин.

7-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, барча хўжалик органлари КПСС XXIV съездининг беш йиллик план Директиваларига мувофиқ ишлаб чиқаришни боқариш, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг таъминланганлиги соҳасидаги ишларни давом эттириб, бу билан коммуналнинг моддий-техника базасини юзга келтиришнинг энг муҳим шарти бўлган иқтисодий ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама таъминланганлигини ва унинг самардорлигини ошириш таъминлансин.

8-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари ҳулосасида баён қилинган тақлиф ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар томонидан киритилган тақлифлар ва айтилган мулоҳазаларни қўриб чиқиш, ўзгэр юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛТОВА.

1971 йил, 17 декабрь. Тошкент шаҳри.

ДУСТОНА СУХБАТ

КПСС Марказий Комитети Сибирский бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Болгария Компартияси Хасково округ комитетининг биринчи секретари Г. Корчанов бошчилигида республикада меҳмон бўлиб турган БХР Хасково округи меҳнаткашлари делегациясини 17 декабрда қабул қилди.

Самимий, дўстона суҳбат чоғида Хасково округи билан Тошкент области меҳнаткашлари ўртасидаги узлуқсиз кенгайиб бораётган алоқаларнинг, партия иши, хўжалик ва маданий қурилиш тақрибасини кенг баҳам қилишнинг, совет-болгар дўстлигини янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг фозт муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мухомонов иштирок этидилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ЕШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСИ

17 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети ешлар билан ишлаш доимий комиссиясининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ешлари касб тавлашда қўмаллашсин ва уларнинг ишга жойлаштириш борасида шаҳар маҳаллий Советларининг иши тўғрисидаги докладдан муҳокама қилинди.

Хўна-техника билан юртида, ишлаб чиқаришда малаяки надрлар тайёрлашни кучайтиришга, шунингдек, маблаг ўқувчи ларига хўна-қаб ўргатишни яхшилашга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилди.

Комиссиянинг 1972 йилги иш плани тасдиқланди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Саккизинчи қақриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 1971 йил 17 декабрда ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советнинг учинчи мажлиси бошланди. Мажлисини Олий Совет раиси депутат С. Х. Сирожиддинов очди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. Ж. Худойбердиев якуловчи нутқ сўзлади.

Олий Совет Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги давлат беш йиллик плани тўғрисида, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджетини тўғрисидаги қонунларни бир овоздан қабул қилди.

Шундан кейин депутатлар Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат тўғрисидаги қонунлари кодексини лойиҳаси ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссиясининг раиси депутат М. Қориевнинг докладини тингладилар.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан М. С. Восикова (373-Езёнов сайлово округи), В. Б. Арсентьев (61-Металлургия сайлово округи), В. С. Содикова (148-Қортоқлоқ сайлово округи), В. Д.

Спирин (6-Урицкий райлово округи), Н. Нуриддинова (394-Свердлов сайлово округи), Ўзбекистон касоба соҳалари советининг раиси М. А. Зомдов қатнашдилар.

Музокаралар тавом бўлганидан кейин Олий Совет Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат тўғрисидаги қонунлари кодексини тасдиқлаш ҳақидаги қонунни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида республика Олий Совети Президиумининг Секретари депутат Х. М. Пулатова доклад қилди.

Олий Совет ўз муҳокамасига тақдим этилган Фармонларини тасдиқлади, тегишли қонунлар ва қарор қабул қилди.

Олий Совет сўз хўжалиги бўйича Олий Совет доимий комиссиясининг составига баъзи ўзгаришлар киритиди.

Доимий комиссиясининг раиси қилиб депутат А. И. Тихомиров, раис ўринбосари қилиб депутат Н. Р. Хамроев, комиссия секретарлигига депутат Е. Панав, доимий комиссия аъзоси қилиб депутат И. Давирова сайланди.

Саккизинчи қақриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини тавомлади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилди:

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджетини Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари докладига юзасидан қабул қилинган ўзгаришлар билан, даромад ва харажатлар бўйича жами 3.303.740 минг сўм миқдорда тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджетини давлат ва кооператив қорхоналаридан ҳамда таъшиқотларидан олинадиган даромадларнинг — оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун ҳақ, рўйхатга олинадиган тўловлар, фойдаланиш эркини қолдириб, фойдалан ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжаликда келадиган бошқа даромадларнинг умумий суммаси 2.867.240 минг сўм миқдорда белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджетини халқ хўжалиги — оғир саноат, қурилиш индустрияси, энгил ва озиқ-овқат саноатлари, қишлоқ хўжалиги, транспорт, уй-жой ва коммунал хўжалик ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш маблаг билан таъминлаш харажатларининг умумий суммаси 1.517.153 минг сўм миқдорда белгилансин.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджетини социал-маданий таъдбирларга — умумий таълим мактаблари, техникумлар, олий ўқув юртилари, илмий-тадқиқот муассасалари, хўна-техника ўқув юртилари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, радиоэфири тўғрисида ҳамда маориф ва маданият соҳасидаги бошқа таъдбирларга; касалхоналар, болалар асирлари, саваторийлар, соғлиқни сақлаш ва физкультура соҳасидаги бошқа муассасаларга, пенсия ва нафақаларга ажратилган маблағларнинг умумий суммаси 1.682.334 минг сўм миқдорда белгилансин.

5-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджетини давлат қонимати органларини, давлат идора органларини ва судларни таъминлаш учун ажратилган маблағлар 46.528 минг сўм миқдорда белгилансин.

6-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги республика бюджетини даромад ва харажатлар бўйича 1.987.429 минг сўм миқдорда тасдиқлансин.

7-модда. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг 1972 йилги давлат бюджетини, Тошкент шаҳри ва областларнинг 1972 йилги маҳаллий бюджетлари даромад ва харажатлар бўйича 1.136.311 минг сўм миқдорда белгилансин. Шу жумладан:

(минг сўм ҳисобида)	
Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг	96.478
Тошкент шаҳри	282.246
Тошкент области	152.500
Сирдарё области	61.037
Фарғона области	129.660
Андижон области	98.067
Наманган области	77.304
Самарқанд области	134.762
Бухоро области	86.992
Қашқадарё области	75.736
Сурхондарё области	66.732
Хоразм области	54.737

8-модда. Умумийтўғриқ давлат солиқлари ва даромадларидан Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик республикасининг давлат бюджетига, Тошкент шаҳар ва областларининг маҳаллий бюджетларига ажратмалар 1972 йил учун қуйидаги миқдорда тасдиқлансин:

а) оборот солиғини тушумларидан: Қорақал-

поғистон Автоном Совет Социалистик республикаси 100 процент, Тошкент шаҳрига 27,8 процент, Андижон областига 87,8 процент, Бухоро областига 41,6 процент, Қашқадарё областига 91,5 процент, Наманган областига 77,1 процент, Самарқанд областига 40,8 процент, Сурхондарё областига 97,3 процент, Сирдарё областига 82,8 процент, Тошкент областига 84,0 процент, Фарғона областига 54,6 процент, Хоразм областига 61,1 процент;

б) қолхозлардан олинадиган даромад солиғидан, қишлоқ хўжалик солиғидан, СССРнинг буйдоқ, ёлғиз ва кам оналии граждандаридан олинадиган солиқдан, ўрмонлардан келадиган даромадлардан ва пул-бутом лотереялари тушумларидан — 100 процент;

в) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан: Тошкент шаҳрига 10 процент, Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё областларига ва Қорақалпоғистон АССРга — 100 процент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Хоразм областларига — 80 процент, Сурхондарё областига — 90 процент;

г) Автомобиль транспорти министрлигига, «Узсельхозтехника» бирлашмасига қарашли қорхона ва таъшиқотларнинг ишлаб чиқариш асосий фондлари ва нормалаштириладиган оборот маблағлари учун туланадиган ҳақдан — 50 процент.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат планига қўзда тутилган таъдбирларини маблаг билан таъминлаш учун 1972 йилги республика бюджетини маблағларидан Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик республикасининг давлат бюджетига 6.937 минг сўм ажратилсин.

9-модда. 1972 йилда Ўзбекистон ССР республика бюджетининг насса оборотидаги нақд пул 33.700 минг сўм миқдорда тасдиқлансин.

10-модда. 1972 йилда Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик республикасининг давлат бюджетини ва Тошкент шаҳри ҳамда областларнинг маҳаллий бюджетлари бўйича насса оборотидаги нақд пул 49.500 минг сўм миқдорда белгилансин, шу жумладан: (минг сўм ҳисобида)

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг	3500
Тошкент шаҳри	8400
Тошкент области	5900
Сирдарё области	2600
Фарғона области	5000
Андижон области	3900
Наманган области	3100
Самарқанд области	5400
Бухоро области	3500
Қашқадарё области	3200
Сурхондарё области	2800
Хоразм области	2200

11-

